O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 24 октябрь чоршанба

Сотувда эркин нархда

№ 217 (2779)

***Наманганда яна икки туман — Косонсой ва Наманган туманлари пахтакорлари зафар қучдилар. Қабул пунктларига косонсойликлар 18650 тонна, Наманган тумани меҳнатчилари эса 22400 тонна хомашё топширди.***

## Даромад — икки миллиард

Тармоқдаги ислоҳотлар, айниқса, хўжалик юритишнинг пайчиликка асосланган ширкат усули кенг жорий этилгани, фермерлик ҳаракати қўллаб-қувватланиб, ер ҳақиқий эгасини топгани ҳар икки туман эришган муваффақиятнинг бош омили бўлди.

Наманган тумани деҳқонлари бу йил соҳадан икки миллиардлик даромадни кўзлаб туришган бўлишса, косонсойликларнинг мўлжаллари ҳам улардан кам эмас.

**М. ХОЛМАТОВА.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Россия Федерацияси Президенти ўртасидаги телефон орқали мулоқот

22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Икки мамлакат Президентлари Афғонистонда амалга оширилаётган аксилтеррор операцияси билан боғлиқ минтақадаги вазият ривожини ишонч оҳангида батафсил муҳокама этишди.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ҳар томонлама фикр алмашув чоғида томонларнинг Афғонистонда юзага келаётган вазият ҳамда можародан кейинги афғон муаммосини ҳал этиш истиқболларига оид қарашлари ҳамда нуқтаи назарлари муштарак эканлигини таъкидлашди.

В.Путин И.Каримовга Шанхайда бўлиб ўтган Осиё ва Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги мамлакат-иштирокчиларининг саммитида, икки томонлама музокараларда терроризмга қарши кураш муаммолари муҳокамаси якунларига доир ахборот берди. Россия ҳукумати раҳбари шунингдек, Душанбеда ўтказилган уч томонлама Россия-Тожикистон-Афғонистон учрашуви натижалари ҳақида ҳам маълумот берди.

Икки мамлакат Президентлари телефон орқали бўлиб ўтган мулоқот якунида бундан кейин ҳам мавжуд икки томонлама алоқалар амалиётини мунтазам равишда давом эттиришга келишиб олишди.

**«Жаҳон» АА.**

# Тўрт йилда 290 фоиз ўсиш




***Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг мухбири билан суҳбатида «Бугун ҳар биримиз «Тинчлик- осойишталикни, шу мусаффо осмонни асраш учун шахсан мен нима қиляпман, бу йўлда ўз ҳузур-ҳаловатимдан воз кечишга тайёрманми?» деган саволни ўзимизга беришимиз, кундалик фаолиятимизни шу нуқтаи назардан баҳолашимиз зарур», деб таъкидлади.***

Барча саноат корхоналарида бўлгани каби, Фарғонадаги «Сунъий чарм» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг 697 нафар ишчи-хизматчиси ҳам ана шу даъватга жавобан огоҳлик ва ҳушёрликни оширган ҳолда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини тобора кўпайтирмоқдалар. Улар биладики, шундай қилингандагина республикамиз иқтисодиёти янада мустаҳкамланади, Ватанимиз куч-қудрати эса тағин-да ортади.

Ютуқлар эса қувончли. Агар корхонада бултур бир миллиард 226 миллион 641 минг сўмлик маҳсулот тайёрланиб, тўрт йил мобайнида бу борада 290 фоиз ўсишга эришилган бўлса, жорий йилда ана шу кўрсаткичнинг қарийб 400 фоизга етказилиши мўлжалланмоқда. Бунинг учун етарли асос бор. Рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида Италия ва Польша мамлакатларининг етакчи фирмалари билан ҳамкорлик қилинмоқда, экспорт ҳажмини икки баравар ошириш чоралари кўрилаяпти. Шу билан бирга, маҳсулотларни маҳаллий хомашёдан тайёрлаш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

**И. ҲОТАМОВ.**

СУРАТДА: корхонанинг илғор ишчиси Эътиборхон Улуғбекова.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

**Тоҳир МАЛИК**

# ЗАМОННИНГ НАФАСИ

Бир маҳаллага ўт кетиб, ярмидан кўпи куйиб, кул бўлибди. Бундан хабар топган ўша маҳаллалик савдогар хавотирланиб, уйи томон югурибди. Йўлда уни тўхтатишиб «Сизнинг уйингизни Худо асради, болаларингиз ҳам, молингиз ҳам омон», дейишганда у «Ўзингга шукур, меникиларни асрабсан», дебди-ю, дам ўтмай қандай хатога йўл қўйганини англаб йиғлаб юборибди, шу кўйи умрининг охирига қадар тавба қилиб яшабди. Бу ривоят мазмунини уқиб «Худога шукур қилмоқ ҳам гуноҳми, нега тавба қилади?» деб ажабланарсиз балки. Гап шундаки, у одамнинг шукронасида худбинлик, ўзгалар тақдири учун бефарқлик зоҳир эди. Яъни шукронаси асосида «бошқалар куйса куяр, ўлса ўлар, мени асрабсан, мен учун энг муҳими шу», деган маъно ётарди.

Одамзот биродарларининг тақдирига бефарқ қараса гуноҳкор бўлади. «Худо менинг хонадонимга осойишталик берди», деб суйиниб, қўшнисиникидаги нотинчликка эътибор қилмаса, бу ҳолати ҳам айбдир. Шунинг учун ҳам «кўпга бериб, кўпнинг қаторида менга ҳам бергин», дея дуо қилинади.

Воҳидлик — Аллоҳга хос. Инсон боласи ҳеч қачон ёлғиз яшамайди, ёлғиз ўзи бахтли ҳам бўлолмайди, ёлғиз ўзи хавотирсиз, тинч ҳам умр кечира олмайди. Инсонларнинг тақдирлари кўринмас занжир билан бир-бирларига боғланган.

**Бугуннинг гапи**

Бу ўзаро боғлиқлик кичик бир маҳаллада бошланиб, дунё миқёсига қадар боради.

Таъбир жоиз бўлиб, Ер сайёрасини одам танасига ўхшатсак: агар инсоннинг товонига тикон кирса, бутун вужуди озор чекади. Кўз айтмайдики, «зирапча товонга кирди, ўзи азоблана-версин, мен билан унинг орасида қанча масофа, қанча аъзолар бор?..». Одам болалари Ер юзини турли мамлакатларга бўлиб яшаётганлари, турли динлар атрофида жипслашиб, ягона Худога эътиқод қилаётганлари билан, бир юртдаги нохушлик иккинчисига, албатта, ўз таъсирини ўтказади. Бу нарса ҳам табиатда, ҳам ижтимоий-сиёсий аҳволда кўринади. Орол денгизи фожиаси фақат шу атрофга эмас, бутун Ер юзига тааллуқли экани сир эмас. Бугун айрим мамлакатлардаги сиёсий аҳвол фақат шу жойнинг ўзига тегишли, деган фикрнинг нотўғри экани ҳам ўз исботини топган.

Қудсий ҳадисда баён қилинишича, Аллоҳ айтар эканки: «Эй Одам фарзандлари, мен зулмни ўзимга ҳаром қилдим, бас, бир-бирларингизга зулм қилманглар». Бу ҳикматнинг мағзини чақсак, агар одамзот бир-бирларига зулм қилмаса, яъни урушмаса, тинч яшаса, ўзаро меҳр-оқибат қилса, бири иккинчисининг тақдирига бефарқ қарамаса Аллоҳ томонидан бу бандаларга зулм бўлмас экан. Янада аниқроқ айтилса, Аллоҳ бандаларининг ўзаро тинч-тотув яшамоқликларини истайди. Айни шундай бандалар Яратган учун суюмлидир.

(Давоми 2-3-бетларда).

## УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СОВҒАСИ

Тошкентда жойлашган Т.Шевченко номидаги 110-мактаб-лицейида Украина Президенти Леонид Кучма томонидан совға қилинган янги компьютер синфининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. 2000 йил сентябрь ойида Л.Кучма ўзининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида мазкур мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари билан учрашиб, мазкур илм даргоҳига бир неча энг замонавий компьютер совға қилишга ваъда берганди. Орадан кўп ўтмай, Украина раҳбари ўз сўзининг устидан чиқди.

Синфга ўрнатилган компьютерлар, принтер ва сканерларнинг умумий қиймати ўн миллион сўмдан ошиб кетади. Бундан ташқари, яқин вақт ичида мазкур компьютер синфини Интернет тармоғига улаш ҳам режалаштирилмоқда. Бу мактаб ўқувчиларининг дунё ахборот тизимига уланиши ва ўзининг хориждаги, айниқса, украиналик дўстлари билан янада яқин алоқалар ўрнатишига хизмат қилади.

Ҳозирги кунда 110-мактаб-лицейда 2700 нафар ўқувчи таълим олмоқда. У нафақат пойтахт, балки Ўзбекистон миқёсида ҳам энг намунали ва нуфузли таълим даргоҳларидан бири ҳисобланади. Ўқувчилар мунтазам равишда турли мусобақа ва олимпиадаларда энг юқори ўринларни эгаллаб кел-япти. Айни шунинг учун ҳам унинг битирувчилари нафақат Ўзбекистон, балки дунё миқёсидаги энг обрўли олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Р.Жўраев, Украинанинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А.Касьяненко сўзга чиқиб, Л.Кучманинг совғаси икки давлат ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга, ўзаро ҳамкорликнинг янада ривожланишига хизмат қилишини таъкидлади.

**(ЎзА).**

## Тўққиз ойлик ҳисобот

***Хоразмда «2001 йилнинг тўққиз ойида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши» ва шунга оид бир қатор масалалар муҳокама этилди. Йиғилишни вилоят ҳокими И. Бобожонов бошқарди.***

Вилоятда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида муайян муваффақиятлар мавжуд. Бир қатор шаҳар ва туманларда кичик ва ўрта бизнесни тараққий топтириш юзасидан самарали тадбирлар кўрилявпти.

Бироқ ҳали вилоятда ўз қувватларига нисбатан кам даражада фаолият кўрсатаётган, маҳсулотлар ҳажмини камайтирган корхоналар ҳам бор. Қўшма корхоналарнинг аксарияти экспорт режаларини уддаламай келишмоқда.

Вилоят фаоллари, қиш мавсумига тайёргарликнинг бориши, келгуси йил ҳосили учун тайёргарлик масалаларини ҳам муҳокама этишди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Сотим АВАЗ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Тажриба, таққос, таҳлил**

# Картошкачиликдан 10 миллион сўм

Ширкат, ижара, пайчилик асосидаги оила пудрати — хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига хос бу усуллари деҳқонга эрк берди, унинг дастини узун қилди. Мисол дейсизми? Учқўрғон туманидаги «Қайқиобод» ширкат хўжалиги меҳнаткашлари ўтган йил якунлари бўйича 8 миллион 100 минг сўм дивиденд олишди. Янада аниқроқ айтсак, қишлоқ хўжалигидан жами 16 миллион сўм фойда кўрилган бўлса, шунинг 10,5 миллион сўми янги тармоқ — картошкачиликка тўғри келади.

Ширкат хўжалигида асосан пахта ва ғалла етиштирилади. Картошка эса такрорий экин сифатида экилмоқда. Ва, у юқорида айтилганидек дурустгина самара беряпти. Бошқарув раиси Тоҳиржон Собиров янги давр кишиси эмасми, даромадни кўпайтиришнинг турли омилларини излайди, амалда синаб кўради. Унинг ана шу қатъияти ва дадиллиги туфайли хўжаликда картошкачиликка асос солинди. Банкдан олинган 34 миллион сўм кредит уч-тўрт ойга қолмай ўзини оқлади, боз устига каттагина фойда ҳам келтирди. Экиш учун Голландиядан келтирилган картошка уруғи танланди, парваришга жиддий эътибор қаратилди. Натижа ҳам шунга яраша. Ҳосилдорлик 200 центнердан ошиб, 47 гектар майдондан 940 тонна картошка йиғиштириб олинди. Қарабсизки, бу ишга бел боғлаган 53 пудратчининг қозони ҳам, чўмичи ҳам мой... Бир гектардан ерда деҳқончилик қилган М.Юсупов. Н.Рўзиматов сингари ташаббускорларнинг ҳамёнига 170-200 минг сўмдан нақд пул тушди. Эндиликда рўзғор учун картошка сотиб олишга ҳам ҳожат йўқ. Чунки шартномага кўра, режадан зиёд ҳосил пудратчиларнинг ихтиёрида қолдирилди.

Дарҳақиқат, тадбиркорликда ҳикмат кўп. Бугун барча соҳада ишнинг кўзини билган ютади. Такрорий экин экиб, гектарлар самарадорлигини 225 минг сўмдан оширган «Қайқиобод»ликларнинг бу ташаббуси таҳсинга лойиқ, албатта. Ваҳоланки, бир гектар ердан йил давомида атиги 100 минг сўм даромад олаётганлар ҳам оз эмас. Демак, излаган кишига имкон топилаверади. Энг муҳими, хўжаликда бу йил картошка экиш учун бирор сўм ҳам қарз кўтарилмади. Бултур жамғарилган уруғ асқотди.

— 700 тоннага яқин ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди бош ҳисобчи Аъзамжон Ҳайитов. — Бир килограммини ўртача 100 сўмдан сотганимизда ҳам, 70 миллион сўм даромад оламиз. Соф тушум эса 25 миллион сўмга боради. Бунга пахтачиликдан олинадиган 16 миллион сўм фойдани ҳам қўшадиган бўлсак, моддий манфаатдорлик қанчага етишини ўзингиз ҳисоблаб олаверинг.

Янгиликнинг қаноти бор дейишади. Тумандаги бошқа хўжаликлар ҳам «Қайқиобод»дан ибрат олиб, даромад топишнинг янги имкониятларини излашяпти. Чунончи, «Ўзбекистон», «Янгиобод», Улуғбек номли, «Яшиқобод» ширкат хўжаликларида бултур ғалладан бўшаган майдонларнинг асосий қисмига картошка экини жойлаштирилганди. Бунинг натижаси ўлароқ, туманда 2000 тоннага яқин картошка етиштирилиб, 38 миллион сўм фойда олинди.

Барча жойда бўлганидек, бугун Учқўрғон далаларида ҳам олтин куз ўз саховатини кўз-кўз қиляпти. 115 гектар ерда яшнаб турган картошказорлар эса кўзни қувонтиради. Пудратчилар парваришни ниҳоясига етказмоқдалар. Ғалвир сувдан кўтариладиган кунлар яқин. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, тармоқдан олинадиган даромад бултургидан анча ошиши кутилмоқда. Демак, қишлоқ меҳнатчиларининг қўли яна жарақ-жарақ пул кўради, хонадонига қут- барака ёғилади. Қанийди, бундай ташаббус бошқа жойларда ҳам кенг оммалашса.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Салоҳиддиннинг орзулари ушалади

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳарбий бўлинма чегарачи — денгизчиларига қарашли кема экипажининг кундалик юмушлари ҳамишадагидек маромда. Сардор Абдиқодир Холтўраев одатдагидай камгап. Синчков. Кўзи ўткир. Сувда оқиб келаётган хасни узоқдан кўриб фарқлай олади. Қушларнинг чуғур-чуғурига қулоқ тутиб, ўзича улар нима ҳақда гаплашаётганларини айтиб бера олади. Оқ чағалайларни, уларнинг чаққон учишини одамларга парвона бўлишини хуш кўради. Амударё сувларида сузганига кўп бўлди унинг. Шу азим дарёга ўрганиб қолган. Чойини дарёнинг сувидан дамлаб ичади. Экипажи назорат қиладиган қирғоқнинг ҳар бир қаричи унга қадрдон.

Мичман Серёжа Михеев — сарғиш сочлари жанубнинг қуёшида қўнғир рангга кирган, ҳар елкаси тоғнинг ясси қоясини эслатувчи забардаст йигит бу ерга хизматга келиб тамаки чекишни ташлади. Холтўраев унга, Марат Сафинга ўхшар экансан, сендан зўр теннисчи чиқади, деган эди, ўшандан бери Серёжа телевизорга ўч. Футболни, айниқса, теннис мусобақаларини томоша қилишга ошиқади. Бироқ, бу томонда ҳали спортсеварликдан ҳам муҳимроқ ишлар бор. Айниқса, кечаси ҳушёр турмоқлари даркор. Мичманнинг экипажга хуш келган бир фазилати бор: вақт, жой танламайди. Ўзи истаган пайтда кўзи илинади. — Ухлай олади. Ва аксинча, икки кеча-кундуз мижжа қоқмаса ҳам, мени уйқу босаяпти, чарчадим демайди.

**Жанубий ҳудудларда**

Салоҳиддин Ҳамдамов бўлса — матрос. Экипажнинг энг ёш аъзоси. Шаҳарга кам туша бошлагач, сочларини олдириб ташлаган. Қошлари жиддий чимирилиб турган билан табиати юмшоқ. Салоҳиддин жониворларни яхши кўради. Нима учундир ундан жониворлар ҳуркмайди. Бир гал у бурамашох буғининг боласини қамишзор ичидан топиб олди. Шохлари энди чиқа бошлаган буғучани у кемада икки кун сайр қилдирди. Сўнг сийлаб-сийпаб ошёнига олиб бориб қўйди. Салоҳиддин газеталардан Амударёдаги Пайғамбар ороли ҳақида ўқиганди. Оролни ўз кўзи билан кўришни, ҳайвонот дунёси билан танишишни ният қилган эди. Хизматга чақиришса, чегарачи бўламан, дерди. Унинг орзулари ушалди. Салоҳиддин шу жонажон юртини ҳамиша тинч-осойишта кўришни истайди. Тинчлик учун ўзи, қуролдошлари, тенгдошлари ва ҳар бир киши нима қилмоқ лозимлигини у юракдан ҳис қилаётгандай бўлади. Ҳушёрлик, огоҳлик, ота-онасига, опа-сингилга, қариндош-оғайниларга, қисқаси, она Ватанга меҳр-оқибат, фидойилик бор эканки, Ватаннинг ўзига ўхшаш ўғлонлари бор эканки, юрт ҳеч қачон ғаним хавфи остида қолмайди, деб ишонади. Салоҳиддиннинг орзу-умидлари ушалаверади.

Ана, экипаж яна чегарани назорат қилишга, дозорга йўл олди. Сокин шамолдан дарё сувлари, қирғоқ қамишзорлари оҳиста чайқалади.

**Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## АКСИЛТЕРРОР: ЭНГ СЎНГГИ ДАРАКЛАР

**● «Рейтер» ахборот агентлигининг хабар беришича, АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари ўзининг кечаги амалиётларида Қобул ва Мозори-Шариф ҳудудидаги толиблар истеҳкомларини нишонга олган. Бу билан улар Шимолий альянс қўшинларининг бўлажак ҳужумлари учун қулай имконият яратган.**

**● Кеча Буюк Британия ҳукумати намояндалари Афғонистондаги террор ўчоқларини бомбардимон қилиш мақсадида ўзининг минг нафар зобитини жўнатиши мумкинлиги ҳақидаги ахборот тўғри эканлигини расман тасдиқлашди. Маълум бўлишича, ҳозир британиялик ҳарбийлар айни амалиётларни бошлаш мақсадида Уммонда тайёргарлик кўришаётган экан.**

**● Кеча Пентагон мулозимлари яна 950 нафар кўнгиллиларни мамлакат қуролли кучлари сафига жалб қилди, дея хабар берди «Рейтер» агентлиги. Шу тариқа «қора сешанба» фожеаларидан сўнг АҚШ мудофаа тизими 32 минг 325 нафар кўнгиллилар билан мустаҳкамланди. Хабарларга қараганда, Оқ уй маъмурияти яна 18 минг нафар кўнгиллини ҳарбий амалиётлар учун чақириш режасида турибди.**

**● Куни кеча АҚШ мудофаа вазирлиги расмийлари Афғонистондаги террор ўчоқларини бутунлай яксон қилиш амалиётлари қиш фасли бошлангунга қадар тугатилишидан манфаатдор эканликларини билдиришди. Аммо уларнинг айтишича, айни ҳудуддаги террорчиларга қарши ҳарбий ҳаракатлар ҳар қандай муддатдан қатъий назар охиригача олиб борилади.**

**● Кеча Вашингтондаги Капитолий биноси бир неча кунги тиббий текширувдан сўнг яна ўз эшикларини очди, деб хабар қилди «Интерфакс» агентлиги. Маълумки, ўтган ҳафта охирида Америка сенати ва вакиллар палатасига куйдирги касаллигини қўзғатувчи бактериялар кукуни бўлган хатларнинг юборилиши ушбу бинонинг вақтинча ёпилишига сабаб бўлган эди.**

**● Кеча CNN телекомпанияси АҚШда биологик террор авж олаётганлиги ҳақида ахборот берди. Хабарда айтилишича, кеча Америка почта ходимларидан яна икки нафари айни офат қурбони бўлган. Ҳозирда Вашингтондаги почта ходимларининг икки минг нафари тиббий текширувдан ўтказилган.**



**● Кеча Пентагон раҳбари Дональд Рамсфелд АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг Ҳиротдаги госпитални бомбардимон қилганлиги ҳақидаги хабарни бутунлай инкор қилди. Шунингдек, у толибларнинг Америка ҳарбий вертолётини нишонга олганлиги хусусида тарқатган маълумотининг ҳам асоссиз эканлигини айтди.**

«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.

*Муносабат*

# ИНСОН ЗОТИН БОШ БУРЧИ БУ...

***Мухбиримиз Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергеновнинг халқаро терроризм ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қизикди.***

— Бугун сайёрамизнинг айрим жойларида бош кўтараётган халқаро терроризм ҳақида ўйлаганимда, калом илми сарбонларидан бири имом Мотуридийга устози томонидан айтилган бир насиҳат ёдга тушади, — дейди таниқли ёзувчи Т. Қаипбергенов. — «Уч-тўрт одам билан ўтирганингда юзингга келиб қўнган пашшани қўримаслигинг керак. Чунки у сенинг юзингдан учиб кетганидан сўнг бошқа бир одамнинг чеҳрасига қўниб ғашини келтиради!». Қаранг, улуғ боболаримиз ўзидан бошқа одамнинг юзига пашша қўнишини ҳам раво кўришмаган. Террористлар эса бир эмас, ўн эмас, минглаб бегуноҳ одамларнинг қонини тўкмоқдалар. Инсоният тарихи жаҳолатнинг, ёвузликнинг анча мисолларини билади. Лекин бу қадар ваҳшийликни ҳеч нарса, ҳеч қандай «ғоя» билан изоҳлаб бўлмайди.

**— Ачинарлиси шундаки, халқаро терроризм билан диний экстремизм битта — фанатизм деб номланган чиркин манбадан сув ичмоқда. Террористик тўдалар ўз ғаразли мақсадларини теологик шиорлар остига яширмоқдалар. Бу ҳолатни қандай баҳолайсиз?**

— Яна ўша бобокалонимиз имом Мотуридий ҳаётига мурожаат қилсак, айни муддао бўлур эди. Бир гал Самарқандга Бағдод халифасининг элчиси ташриф буюриб, бугунги тил билан айтганда, дипломатик ишларини битирганидан сўнг имом ҳазратларини йўқлаб уйига боради. Меҳмон уй қопқасини чертганида Мотуридийнинг ўзи эшик очади. Элчи:

— Ассалому алайкум, мавлоно уйдамилар? — деб сўрайди.

— Ваалайкум ассалом, хуш кўрдик. Аммо мавлоно тепадалар! — деб осмонга, Аллоҳга ишора қилади. Меҳмон имом ҳазратларининг Аллоҳ олдидаги садоқатига қойил қолади.

Террористик тўдалар ва уларнинг «йўлбошчиси» тилида Аллоҳни тан олиб, аслида ёвуз даъватларни илгари сурар экан, улар, энг аввало, Аллоҳга шак келтираётган, Ислом динининг энг эзгу амалларига зид иш тутаётган осийлар эмасми?!

**— Ўзбекистон халқаро терроризм ва ақидапарастликка фақат бугун қарши чиқаётгани йўқ...**

— Тўғри. Президент Ислом Каримов жаҳон харитасида Ўзбекистон Республикаси деб номланган дунёвий, демократик давлат пайдо бўлган биринчи соатдан бошлаб, бу ҳақдаги холис нуқтаи назарни илгари суриб келадилар. Мен Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини қайта ўқиб чиқдим. Китоб муқаддимасида уни ёзишга ундаган ғоялар жуда содда тушунтирилади. «Миллионлаб кишиларнинг тақдири хавф остида қолар экан, — деб ёзади Ислом Абдуғаниевич, — буни ҳеч қандай мақсад билан оқлаб бўлмайди». Бундай дангал фикрларни, халқаро терроризм ва диний экстремизмни бартараф этишга қаратилган амалий таклифларни муҳтарам Президентимизнинг кўплаб бошқа китоблари, чиқишлари, шу жумладан, яқинда берган Баёноти ва суҳбати мисолида ҳам кўриш мумкин.

**— Сиз халқаро терроризм ва диний экстремизмга баҳо берганингизда биринчи навбатда қайси мезонга таянган бўлар эдингиз?**

— Мен маълум маънода дунё кезган ёзувчиман. Ўша фожиа содир этилган Нью-Йоркда ҳам бўлганман. Япония, Сурия ва албатта, Саудия Арабистонида ҳам бўлганман. Тинчликсевар, эзгуликка интилган одамларни кўрганман. Хулоса аниқ: халқаро терроризмнинг, диний экстремизмнинг мамлакати, миллати, дини бўлмайди. Терроризмга қарши эълон қилинган уруш ўша террористик тўдалар уя қурган мамлакатга, ўша мамлакат халқига қарши қаратилган уруш эмас. Шунинг учун бу борадаги миш-мишлар, турли сиёсий найранглар, информацион иғволарга учмаслик, ҳар ким ўз уйини, ўз маҳалласини, ўз шаҳрини, ўз мамлакатини, ўз ягона сайёрасини кўз қорачиғидек асраши шарт. Бу инсониятнинг муҳим ва асрий бурчи ҳисобланади!

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ**
**ёзиб олди.**

***Брюсселда «Ўзбекистон: кеча, бугун ва эртага» мавзуида конференция бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланди. Бельгия Таржимонлар олий институти ва мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуман кун тартибидан Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти, иқтисодий салоҳияти ҳамда унинг бугунги ҳаётига оид масалалар жой олди.***

*Эътироф*

# «Ўзбекистон: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА»

Конференцияда Брюсселда қарор топган Европа парламенти, НАТО ва бошқа халқаро ташкилотлар, Бельгия ташқи ишлар вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик ва идоралари, мамлакат жамоатчилиги вакиллари, ишбилармонлар, журналистлар, сиёсатшунос ва олимлар, ўқитувчи ва талабалар иштирок этдилар.

Институт директори Франц де Лэт анжуманни очар экан, ўзининг Ўзбекистонга ташрифи билан янги бир мўъжизакор ва мафтункор мамлакатни кашф қилганини эътироф этди. У мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари, осори-атиқалари, бугунги кунда олиб борилаётган кенг бунёдкорлик ишлари, халқимизга хос ва мос бўлган меҳмондўстлик ҳамда ўзбекларнинг бошқа фазилатлари ҳақида тадбир қатнашчиларига тўлқинланиб сўзлаб берди. Шунингдек, Франц де Лэт Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан ўзи раҳбарлик қилаётган институт ўртасида ўрнатилган алоқаларга ҳам тўхталиб, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ҳар икки томон манфаатларига бирдек мос келишини қайд этди.

Конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А. Шайхов Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши тўғрисида атрофлича тўхталди.

Бельгиянинг Ўзбекистондаги Фахрий консули Ж. К. Божан ва тадбирда сўзга чиққан бошқа сиёсатшунос олимлар, журналистлар Ўзбекистонда ўз кўзлари билан кўрганларини, орттирган таассуротларини ўртоқлаша туриб, мамлакатимизда турли миллатга мансуб фуқаролар ўзаро аҳилликда, қўшни мамлакатлар халқлари билан дўстона муносабатда, тинч-тотув яшаб келаётганини сўзлаб беришди.

Анжуман иштирокчилари кейинги пайтларда дунё миқёсида Ўзбекистонга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганини қайд этдилар. Бельгия ташқи савдо офиси ва «Бельгия экспорт» уюшмаси вакиллари элчихона билан ҳамкорликда жорий йил охирига қадар Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятига бағишланган махсус бизнес-семинар ўтказиш таклифини билдиришди.

Конференция сўнггида намойиш этилган мамлакатимиз тарихи, маданияти ҳамда ўзбек халқ амалий санъати дурдоналари кўргазмаси ҳам қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

**«Жаҳон» АА.**

*Она юртим — чаманзорим*

# Носир бобонинг боғлари

***Носир бобо ўзининг қишлоғи — Газоракдан Газораккача бўлган йўлда юқори лавозимларда ишлади. Обрў-эътибор топди. Ва узоқ йўлларнинг чарчоғини босмоқ учун қишлоғининг четидаги Ҳасанхон даштидан икки гектар ер очиб, мевали дарахт кўчатларини етиштира бошлади. Кўчатзордан Оқпечак, Туябўйин, Хами Тандум даштлари узра мевали боғлар кўкарди. «Стар Кримсон», «Голдин дилишес» олма дарахтларини лалми шароитда ўстиришнинг ҳадисини олди. Дўланани нок дарахтига, пистани бодомга пайвандлади. Ёнғоқ дарахти узумдай бош-бош бўлиб ҳосил тугди. Зарифи узумлар камалакдай етти хил товланиб пишди. Шу тариқа Носир бобо Тўрақуловнинг «Боғибўстон» деб аталган фермер хўжалиги бунёд топди.***

Ҳозир хўжаликнинг 200 гектарга яқин мевали боғи, узумзори бор. Даромаду фойдасини неча ўн миллионларнинг чўтига солади. Боғбон бўлса, етмиш учга кирди. Ҳали оёғи толмайди. Аксинча, бир қўлида кетмон бўлса, яна бир қўлида — қоғоз. Қоғозларга яхши ниятларнинг расми туширилган лойиҳалар: — меваларни қайта ишлаш керак. Шарбат, мевақоқи ишлаб чиқариш керак. Шу ишлар амалга ошсами, даромад уч-тўрт бараварига кўпаяди. Яна эллик-олтмиш одам ишли бўлади.

Ҳа-ҳа, Носир бобо қишлоғим обод бўлсин, деган одам. Узукнинг кўзидай қилиб 120 ўринли мактаб қурди. Шифохона, новвойхона, бозор қурди. Сартарошлик, этикдўзлик дўконларини очди. Ва ҳатто, қишлоқ йўлининг икки километрига асфальт ётқиздирди. Бахтиёр, Ҳабибулло, Бобомурод, Зикриллодек қўли гул боғбонлар сулоласини тарбиялаб етиштирди. Ҳулласи калом, пасту баландликларда боғи Эрам яратди.

Носир бобо ҳалиям узангига оёқ қўймасдан отга миниб олади. Даштда унган олмазорнинг хушбўй ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиб, кетмон чопади. Шу табаррук заминга қилган, қилаётган меҳнатидан вужудига қувват инишини ҳис қилиб ишлайди.

— Биласизми, мен посбонман. Чегара посбониман. Туманимиз чегарада жойлашган-ку, — дейди боғбон кулиб. — Яна тўғрисини айтсам, Ватан посбониман. Мана, биз тинчлик бўлсин, деймиз. Ҳамма тинчлик бўлсин, дейди. Лекин шундай деб турганларнинг ичида ўзининг тинчини, ҳузур-ҳаловатинигина ўйлайдиганлар йўқ дейсизми. Мен айтаман: юрт хавфсиз бўлсин. Тинч бўлсин. Юртнинг тинчлигини кўз қорачиғидай асраганларгина, бегона шамолларни сезиб, илғаб, ўзини панага олмасдан, оёққа маҳкам турганларгина ўзининг эзгу орзуси — Тинчлик бағрида яйраб яшай олади.

Носир бобонинг куз ҳавосидан оч қирмизи рангга кирган олмазорлари, ишкомларда ҳил-ҳил пишган узум-мевалари бу — бағри бутун юртимизнинг бир гўшаси, бир бўлаги. Бу ризқи бутун одамларнинг жонажон Ватанга бўлган меҳри-муҳаббатлари сувратидир.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Депутат эл орасида

*Алижон аканинг эрталабки иши ўзи бошқараётган «Оқсув» фермер хўжалигидан эмас, сайловчиларни қабул қилишдан бошланади. Бўш вақт топса, сайловчиларининг олдига боради, аксарият ҳолларда уларнинг ўзи тўппа-тўғри уйига келиб, нима гапи, нима сўзи бўлса, айтиб кетаверишади. Алижон ака ҳам бу уйим, идорага боринглар, демайди. 42-Қўрғонтепа сайлов округидан Олий Мажлис депутати Алижон Аҳмедовнинг сайловчилар билан муносабати ҳар гал ана шунақа тарзда кечади. У яқинда терроризм масаласи бўйича Президентимиз Баёноти ҳамда ЎзА мухбири саволларига жавоби юзасидан суҳбат ўтказди. Сайловчиларга вазиятни, ҳақиқий аҳволни тушунтирди, улар берган саволларга жавоб қайтарди. Лекин ишини ҳам унутгани йўқ. У бошқараётган фермер хўжалигида 150 бош наслли мол бор. Ҳар йили минг тоннага яқин сут қайта ишланиб, 6 хил маҳсулот тайёрланади. «Оқсув» етиштираётган маҳсулотлардан ҳатто пойтахтимиз аҳолиси ҳам баҳраманд.*

**СУРАТДА: Олий Мажлис депутати Алижон Аҳмедов навбатдаги сайловчини қабул қилаётган пайт.**

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ**
**олган сурат.**

# Амалий ҳаракатнинг ҳосиласи

Халқимизда «Қуруқ гап оғиз йиртар», деган ҳикмат бор. Дунёда ҳеч бир нарса ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. Албатта, бир сабаб ёки ҳаракатга боғлиқ бўлади. Яратган ҳам «Сендан ҳаракат, мендан барокот» деган. Тинчликни, хавфсизлигимизни сақлаш ҳам амалий ҳаракатларимизнинг ҳосиласи ва мевасидир. Қолаверса, бу хийла мураккаб кечадиган жараён. Чунки тинчлик бир ёки икки кишига боғлиқ ҳодиса эмас. Аксинча, у менга, унга ва ҳаммамизга боғлиқ. Кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан амалга ошадиган воқеликдир. Айниқса, биз ҳозир шундай бир вазиятда яшаяпмизки, ҳаммамизнинг саъй-ҳаракатимиз, бирлигимиз лозим бўлади. Давр биздан бир қадар ҳушёр бўлишимизни, бир қадар огоҳ бўлишимизни ва бунинг учун амалий ҳаракатларимизни бир қадар оширишимизни тақозо этмоқда. Ҳар биримиз ўз олдимизга Президентимиз айтаётганидек, «Шахсан мен тинчлик учун нима қилаяпман», деган саволни қўйишимиз, бу ҳақда обдон ва чуқур ўйлашимиз керак.

Сирдарё вилояти Тожикистон билан қўшни ҳудудда жойлашган. Сирдарёликлар тинчликнинг нақадар зарурлиги, муҳимлиги ва қимматлилигини яхши тушунишади. Чунки улар агар юрт безовта бўлса, унда тинчлик бўлмаса, не-не ҳодисалар — кўнгилсизликлар юз беришини қўшни мамлакат мисолида кўришди ва билишди.

Ҳаммамиз шахсий мулкимизни нақадар асраймиз, авайлаймиз ва муҳофаза қиламиз. Мен тинчликни ва осойишталикни ҳам ана шундай асрашимиз ва авайлашимизни истар эдим. Шундай яшайликки, огоҳлик ва ҳушёрлик бизнинг кундалик ишимиз, кундалик амалий ҳаракатимизга айлансин. Ва ҳар биримиз ўз-ўзимизга ҳисоб берайлик: «Мен бугун шу иш учун нима қилдим?» Чунки бугун давр ҳам, шароит ҳам шуни тақозо қилмоқда, давлатимиз раҳбари ҳам бизни, ҳаммамизни ана шунга даъват қилмоқда.

**Тоҳир РАЖАБОВ,**
**Сирдарё вилояти прокуратурасининг бўлим бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.**

*Таҳририятга хат*

# Муқаддассан, тинчлик

Танглайимни чўлнинг шўри билан кўтаришган, десам муболаға бўлмайди. Ота-онам кўч-кўронини кўтариб, Марказий Фарғона чўлларига келишганда гўдак эканман. Бутун умрим Найман чўлларида ўтди. Шу ерда ўсдим, улғайдим, камол топдим. Ярим аср шўро тузумига хизмат қилиб, орттирганим йиртиқ чориқ бўлса, истиқлол йилларидаги меҳнатим кўксимда Олтин нишон бўлиб балқиди.

Президентимизнинг Баёноти ҳамда ЎзА мухбири саволларига жавобларини ўқиб ўйланиб қолдим. Бизга тинчлик нақадар зарурлигини ҳис қилдим. Ахир ҳаммамизнинг ҳам бола-чақамиз, невара-чеварамиз бор. Улар ҳам дунёга умид билан келган. Биров уй қурмоқчи, бошқаси тўй тараддудида. Тинчликсиз бу орзулар ушаладими? Асло.

Шунинг учун бутун жамоамизни йиғиб, доимо ҳушёр туришга, бефарқликдан батамом холи бўлишга келишиб олдик. Ҳар хил миш-мишларга барҳам бериш учун халқ орасига кирдик. Ёшларимиз ҳам бизга эргашди. Хуллас, ўз ҳудудимизда тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш учун барча ишларни қилаяпмиз.

**Комилжон МАМАЖОНОВ,**
**Тошлоқ туманидаги М. Марозиқов номли ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони.**

# Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 23 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 220,08 | 1 Миср фунти | 101,69 | 1 СДР | 551,30 |
| 1 Австрия шиллинги | 28,21 | 10 Испания песети | 23,33 | 1000 Туркия лираси | 0,26 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 619,86 | 100 Италия лираси | 20,05 | 1 Финляндия маркаси | 65,30 |
| 10 Бельгия франки | 96,24 | 1 Канада доллари | 274,50 | 1 Франция франки | 59,19 |
| 1 Голландия гульдени | 176,18 | 1 Хитой юани | 52,22 | 1 Швейцария франки | 262,98 |
| 10 Греция драхмаси | 11,40 | 10 Люксембург франки | 96,24 | 1 ЕВРО | 388,25 |
| 1 Дания кронаси | 52,24 | 1 Малайзия ринггити | 113,75 | 10 Жанубий Корея воны | 3,32 |
| 1 БАА дирхами | 117,69 | 1 Германия маркаси | 98,51 | 10 Япония иенаси | 35,57 |
| 1 АҚШ доллари | 432,20 | 1 Польша злотийси | 105,02 | 1 Россия рубли | 14,63 |
| | | | | 1 Украина гривнаси | 81,48 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

# ЗАМОННИНГ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Терроризмга қарши кураш кетаётган ҳозирги вазиятда Ўзбекистонимизнинг тутган ўрни, жаҳонаро айтган сўзи барчамизга маълум. Бу сиёсат халқ томонидан маъқуллангани ҳам аён. Айни чоқда «Шу можарога нима қилардик аралашиб?» дегувчилар ҳам мавжудлиги сир эмас. Бундай дегувчилар сўзимиз аввалида баён этилган ривоятдаги худбин савдогарни эслатишади. Булар кечаги кунимиз — халқ рад этган ўтмиш жамиятда руҳан яшаётган одамлардир. Ўтмиш кунларимизда дунё сиёсатига муносабатимизни ўзимиз айтмас эдик, биз учун ҳам Кремль айтарди. Хўш, дунёда ўз ўрни, ўз овозига эга мамлакат энди ҳам жим тураверишi керакми?

Биз тинчлик истовчи халқмиз. Халқнинг бу иродаси Асосий қонунларда акс этган. Дуоларимизда ҳам Худодан тинчлик, хотиржамлик тилаймиз. Лекин бу — мамлакат тинчлик билан таъминланди, деган гап эмас. Оллоҳ: «Эй бандам, сендан ҳаракат, мендан баракат», демиш экан. Агар тинчлик йўлида ўзимизда бир ҳаракат, бир интилиш бўлмаса, дуолардан наф камдир. Бир шаҳарни қамал қилишганда сардорлар Амир Темурдан сўрашибдики: «Эй амиримиз, дуо қилиб, Худодан сўранг, шаҳарни забт этайлик». Шунда ҳазрат соҳибқирон демишларки: «Дуода фазилат кўп, аммо барча иш фақат дуо билан бўтса Бадр жанги бўлмас эди». Бу ҳикматдан хулоса шуки, одамларнинг ҳамжиҳатдаги ҳаракатларисиз ҳеч нимага эришиб бўлмайди. Бу масалада тил ва дил бирлиги ҳам жуда муҳимдир.

Тинчлик истамоқ — тинчлик учун курашмоқ демакдир.

Тинчлик йўлидаги энг асосий кураш — одамларнинг ўзаро аҳиллиги, иттифоқлигидир. Айрим масалалар бўйича фикрлар бошқа-бошқа бўлиши мумкин, аммо бу ҳол қалб бирлиги, мақсад бирлигига зарар етказмаслиги шарт.

Тинчлик йўлидаги курашнинг яна бир кўриниши — бу йўналишда жаҳон аҳли билан бирдамликда бўлишдир. Жаҳон тинчлигига доир масалаларни ҳал этишда ўзни четга олмасликдир. Бу икки кўринишда амалга оширилади: раҳбарият томонидан мазкур сиёсатга дадил аралашувга гувоҳ бўлдик, бу — биринчи кўриниш; иккинчиси, ҳар бир одамнинг масалага ўз муносабатини билдириши. Бу жиҳатдан камчиликларимиз мавжудлиги кўзга ташланади. Айниқса ёшларимизда фаолсизлик сезилади. Ёшларимиз (барчалари эмас, албатта) дунёдаги сиёсий вазиятга етарли аҳамият бермайдилар, қизиқмайдилар, таҳлил қилмайдилар. Улар учун, айтайлик, Россия думасидаги сафсатабознинг бемаъни нутқи эътиборли эмас, ёки террорчиликни бартараф этиш бўйича ўртага ташланаётган таклифлар қизиқарли эмас, айримлари учун чойхонадаги нарда ўйинининг муҳокамаси муҳимроқ. Айтиш жоизки, бу ҳам ўтмиш жамиятимиздан ўтиб келаётган касалликдир. Бу касалликнинг номи — дунё тақдирига, демак, ўз Ватани тақдирига бефарқлик.

Маънавият борасидаги ишларимизда бу хасталикни даволашга эътиборни кучайтириш зарурга ўхшайди. Кейинги ҳафталар ичи яна бир ўтмиш касаллигига дуч келдик. Ташкилотларда, олий ўқув юртларида террорчиликка қарши йиғинлар бўлди. Тўғри, бу ҳам керакли тадбир. Бироқ унинг фойдаси қанчалик экан? Бир одам маъруза қилади, йиғилганларнинг барчалари уни эшитадиларми, фикрлайдиларми, хулоса чиқарадиларми? Бугунги сиёсий масала ана шунақа битта мажлис билан ҳал этилиши мумкинми? Айниқса, бу тадбирларнинг ёшларимизга таъсири қанчалик экан?

Балки ёшлар баҳс клубларини ташкил этишиб, клубларaро фикр алмашинув, баҳслар орқали масаланинг моҳиятига кириб бормоқликлари афзалроқдир? Масалан, террорчилик ҳақида кўп гапириляпти, уни тугатишга ҳаракат қилиняпти. Касалнинг келиши осон, кетиши қийин, деган мақол бор. Террорчилик — дунёнинг маънавий хасталиги оқибати. Хўш, у қачон пайдо бўлди, илдизлари қаерда? Қандай йўллар билан бу илдизни қуритиш мумкин? Бу масалалар бўйича тарих нима дейди? Террорчиликнинг тарихдаги кўринишлари қандай бўлган ва унга қарши қай йўсинда кураш олиб борилган?

Шунга ўхшаш саволлар атрофида фикрлаш, баҳслашиш учун ёшлардан билим, идрок талаб этилади. Худди шу усулдаги иш билан пухта сиёсатчиларни тарбиялаш мумкин бўлади.

Террор — лотинча сўз, ўлим даҳшати билан қўрқитиб, муддаога етиш тушунилади. Қадимда бунинг турлича кўринишлари мавжуд бўлган. Подшоҳлар исёнчиларга қарши курашда кўпроқ шу усулдан фойдаланганлар. XX асрда туғилган террорчилик аввалгиларидан ўзининг ёвузроқ эканi ва сиёсийлашуви билан фарқ қилади. Янги нусхадаги террорчилик бир ёки икки йилда юзага келгани йўқ. Озгина ўтмишга қайтиб, фашизмни эслайлик. Айрим доиралар келажакда унинг хизматидан фойдаланиш мақсадида ёрдам бердилар. Ҳам моддий, ҳам сиёсий томондан рағбатлантирилган фашизм оқибатда қудратли ёвуз кучга айланди. «Ит қутурса эгасини қопади», деганларидек, рағбатлантирган доираларнинг ўзлари ундан жабр чекдилар. Агар фашизм моҳияти тўғри англаниб, вақтида чора кўрилганда инсоният миллионлаб қурбонлар бермас эди.

Сиёсатчилар тўғри айтишяпти, террорчиликка қарши кураш — узоқ давом этадиган жараён. Барчани, хусусан, бизларни огоҳликка даъват этувчи жараён. Ҳали 16 февраль фожиаси бўлмай туриб, Нью-Йорк даҳшатларидан бир неча йил илгари Президентимиз террорчилик хавфидан жаҳон аҳлини огоҳ этиб, турли халқаро сиёсий йиғинларда бу масалани кун тартибига қўйган эдилар. Агар дунё аҳли ўша дамда бу чақириқни инобатга олиб, ҳозиргидай бирлашса эди, фожеалар кўлами бу қадар даҳшатли бўлмасмиди?

Энг хавфлиси шуки, барча террорчиларнинг никоби динга доир масала бўляпти. Айниқса, ҳар қандай зулмни инкор этувчи ислом динидан шу мақсадда фойдаланишлари афсуслидир. Ҳеч қайси дин соф ҳолида жамият учун зарар келтирмайди, аксинча, маънавий-руҳий масалаларни ҳал этишда фойда беради. Барча динлар учун энг зарарли, энг хатарли нарса — мутаассибликдир. Ўтмишга назар солсак, тарихда «Варфоломей туни» деб ном олган қонли воқеаларни кўрамиз. 1572 йил 24 август, авлиё Варфоломей байрами туни Парижда мутаассиб католиклар гугенотларни қиришни бошлаган эдилар. Ўшанда уч мингдан зиёдроқ гугенот сўйилган экан. Асримизнинг бошларида Бухородаги сунний-шиа қирғини ҳам мутаассибларнинг иши эди. Ёки XX асрдаги фожеалардан бири — Токио метросида мутаассиб бутпарастлар томонидан уюштирилган ёвузлик фикримизга далил бўла олар.

Қадим тарихимизда дунёни лол қолдирган уламоларимиз кўп бўлишган. Аммо

